



# Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 9 сентябрь, № 191 (7693) Чоршанба

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР УЧУН ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРГА МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари, танглик сиёсат ва жамоат арбобларига мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан қутловлар йўлагани учун кўп миллатли халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёси янгилашлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларга берилган юксак баҳо ва хайрхоҳлик, икки томонлама дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашга қаратаётган эътибори, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатларини енгиб ўтишдаги самарали шериклик учун хорижий ҳамкорларга ташаккур айтди.

Мамлакатимиз хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан узоқ муддатли алоқаларни кенгайтириш, савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар, транспорт, туризм, фан, тиббиёт, таълим, маданият ва бошқа устувор йўналишларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш, кўп томонлама тузилмалар доирасида глобал ва минтақавий аҳамията мўлж долзарб масалалар юзасидан конструктив мулоқоти давом эттириш учун ошқ ва тайёр экани қайд этилди.

Эслаб ўтамиз, жорий йилда юздан зиёд хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни муносабати билан ўз қутловларини йўлаган, шу жумладан:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби **Антониу Гутерриш**;
- Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**;
- Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;
- Америка Қўшма Штатлари Президенти **Дональд Трамп**;
- Қозғистон Республикаси Биринчи Президенти — Элбоси **Нурсултон Назарбаев**;
- Қозғистон Республикаси Президенти **Қасим-Жомарт Тоқаев**;
- Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**;
- Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
- Қирғиз Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**;
- Афғонистон Ислоом Республикаси Президенти **Ашраф Ғани**;
- Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
- Арманистон Республикаси Президенти **Армен Саркисян**;
- Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**;
- Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
- Грузия Президенти **Саломе Зурбабишвили**;
- Молдова Республикаси Президенти **Игорь Додон**;
- Украина Президенти **Владимир Зеленский**;
- Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**;
- Корея Республикаси Президенти **Мун Чже Ин**;
- Япония Императори **Нарухито**;
- Ҳиндистон Республикаси Президенти **Рам Натх Ковинд**;

- Германия Федератив Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер**;
- Франция Республикаси Президенти **Эммануэль Макрон**;
- Италия Республикаси Президенти **Сержо Маттарелла**;
- Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироличаси **Елизавета II**;
- Белгияликлар Қироли **Филипп**;
- Испания Қироли **Фелипе VI**;
- Нидерландия Қироли **Виллем-Александр**;
- Швеция Қироли **Карл XVI Густаф**;
- Австрия Республикаси Президенти **Александр Ван дер Беллен**;
- Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев**;
- Венгрия Президенти **Янош Адер**;
- Греция Республикаси Президенти **Катерина Сакелларопулу**;
- Латвия Республикаси Президенти **Эгилс Левитс**;
- Польша Республикаси Президенти **Анжей Дуда**;
- Руминия Президенти **Клаус Вонер Йоханнис**;
- Сербия Республикаси Президенти **Александр Вучич**;
- Словакия Республикаси Президенти **Зузана Чапутова**;
- Финляндия Республикаси Президенти **Саули Нийнистё**;
- Чехия Республикаси Президенти **Милош Земан**;
- Швейцария Конфедерацияси Президенти **Симонетта Соммаруга**;
- Эстония Республикаси Президенти **Керсти Кальюлайд**;
- Рим-католик черкови раҳбари **Франциск**;
- Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**;
- Саудия Арабистони Подшоҳлиги валаҳиди, Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири **Мухаммад ибн Салмон Ол Сауд**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**;
- БАА Қироли қўчалари Олий Бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валаҳиди **Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;
- БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**;
- Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;
- Эрон Ислоом Республикаси Президенти **Ҳасан Рўҳоний**;
- Покистон Ислоом Республикаси Президенти **Ориф Алвий**;
- Покистон Ислоом Республикаси Бош вазири **Имрон Хон**;

- Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун**;
- Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Абдул Ҳамид**;
- Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири **Шайх Ҳасина**;
- Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Готабая Ражапакса**;
- Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик**;
- Баҳрайн Подшоҳи **Ҳамд ибн Исо Ал Халифа**;
- Иордания Подшоҳи **Абдалла II**;
- Кувайт Давлати валаҳиди **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;
- Исроил Давлати Президенти **Реувен Ривлин**;
- Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;
- Австралия Иттифоқи Генерал-губернатори **Дэвид Хёрли**;
- Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо**;
- Малайзия Подшоҳи **Султон Абдуллоҳ Рияъуддин Ал-Мустафо Биллоҳ**;
- Малайзия Бош вазири **Тан Сри Мухиддин Яссин**;
- Сингапур Республикаси Президенти **Халима Якуб**;
- Филиппин Республикаси Президенти **Родриго Дутерте**;
- Бруней Доруссалом Давлати Султони **Ҳасанал Болқияк**;
- Лаос Халқ-Демократик Республикаси Президенти **Буньян Ворачит**;
- Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти **Вин Мын**;
- Непал Федератив Демократик Республикаси Президенти **Бидья Деви Бхандари**;
- Мальдив Республикаси Президенти **Иброҳим Мухаммад Солиҳ**;
- Куба Республикаси Президенти **Мигель Диас-Канель Бермудес**;
- Никарагуа Республикаси Президенти **Хосе Даниель Ортега Сааведра**;
- Ямайка Бош вазири **Эндрю Майкл Холнесс**;
- БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори **Цой Дуньой**;
- Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби **Зураб Пололикашвили**;
- Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби **Кунио Микуря**;
- Ислоом ҳамкорлиги ташкилоти бош котиби **Юсуф ал Усаймин**;
- Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислоом ташкилоти бош директори **Салим ал-Малик**;
- Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котиби **Бағдат Амрево**;
- МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**;
- Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси президенти **Жильбер Унго** ва бошқалар.

## 9 сентябрь — Тожикистон Республикаси Мустақиллиги куни

## Дўстлик ва биродарлик туйғуси бардавом

Ҳар йили 9 сентябрда Тожикистон халқи Мустақиллик байрамини нишонлайди. Бу йил мамлакат ўз истиқлолининг 29 йиллигини кутиб олмақда. Аҳоли маданият ва истироҳат боғларида, хибонларда тиббий никоҳлат тақиб, шахсий гигиенага риоя қилган ҳамда ижтимоий масофани сақлаган ҳолда халқ сайилларини ўтказмоқда.

Тожикистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Президент Эмомали Раҳмон мамлакат халқига табрик йўлади.

29 йил аввал халқимиз давлат Мустақиллигини қўлга киритиб, ўз миллий давлатчилигини барпо этишга киришди. Мустақиллигининг бошланиши ва мустақил тожик давлатини қуриш йўлидаги биринчи йиллари Тожикистон халқи тарихида жуда мураккаб даврга тўғри келди. Ҳақ йиллар давомида ватанпарвар Тожикистон халқи иродаси ва кучига таяниб, Тожикистон фуқаролик қарама-қаршилик оқибатларини бартараф этишга ва ёш тожик давлатини йўқолишдан асраб, миллатни эса бўлиниб кетишидан қўтқариб қолди.

Тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши, сиёсий барқарорлик таъминлиши ва миллий бирлик мустақамлашиши тўғрисида конституциявий ислохотни амалга ошириш, барча ҳокимият тармоқлари фаолияти тақомиллаштирилиб, икки палатали парламент ташкил қилинди. Бу эса Тожикистон сиёсий ва ҳуқуқий атмосфера-расида янгилик ҳисобланади, — дейилади табрик нутқида.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Президент Эмомали Раҳмон раҳбарлигида Тожикистон ҳукумати томонидан қўрилган чоралар ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиёт ривожини таъминлаб, ялпи ички маҳсулот реал ўсишини беш баробар кўпайтириш имконини берди.

Мустақиллик йилларида Тожикистонда 1600 дан зиёд санаот корхоналари ташкил қилинди ва таъмирланди. 2000 мегаваттдан зиёд рақ янги энергетика қувватлари, 2200 километр халқаро автомобиль йўллари, 220 километр темир йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тожик халқининг бунёдкорлиги тўғрисида Рўғун ГЭСининг иккита агрегати фойдаланишга топширилди. Бугунги кунгача унда 1,6 миллиард киловатт соат электр энергия ишлаб чиқарилиди. Янги қувватлар ишга туширилиши натижада қиш фаслида электр энергия етказиб бериш чекланиши бартараф этилди.

Мустақиллик даврида Тожикистонда аҳолининг даромади 125 баробар ошди. Республи-

када камбағаллик даражаси 1999 йилдаги 83 фоиздан 26,3 фоизгача камайди. Уртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 70 ёшдан 75 ёшга етди. Оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,5 баробар камайди.

Шу кунларда халқимиз миллий гуруҳ ва ватанпарварлик ҳисларига тўлиб, бизнинг улўғ миллий байрамимиз — давлат Мустақиллигининг 30 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бутун мамлакатимизни бунёдкорлик, қурилиш ва фидокорона унўмдорлик меҳнати майдонига айлантирди. Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистоннинг кексаюта ёшига, мамлакатимиз келажаги ва миллатимиз шон-шўхрати, ободлиги учун меҳнат қилаётган барчага чин қўлдан миннатдорлик ва ташаккур изҳор қиламан, — дейилади Президент Эмомали Раҳмоннинг табригиди.

Яқинда ўз истиқлолининг 29 йиллигини нишонлаган ўзбек халқи ҳам тожик халқининг буюк байрамини ўз шодонасида қабул қилади. Чунки маънавий олами, адабиёти, мусиқаси, кундалик турмуш тарзи бир-бирига шу даражада яқин бўлган халқлар кам топилади.

Ўзбеклар ва тожиклар ҳақида сўз кетса, бежиз "икки тилда сўзлашувчи бир халқ" дейилмайди. Бир дардан сув ичиб, кўз-қошдек, эт билан тирноқдек яқин қўшничиликда яшаб келаётган халқларимизнинг мустақам дўстлик ришталари асрларга бориб туташади.

Бироқ вақтлар бўлдики, қондош, қанда-анда халқлар орасига сунъий "девор" қўйилди. Узаро борди-келиди ушалмас орзуга айланди. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари турли сабаблар боис таранглашиб кетган эди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг яқин дўстлиги, сиёсий иродаси ва узоқни кўйлаб юритаётган оқилона сиёсати тўғрисида сўзлашганда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз муносабатларини мисли қўрилмаган янги поғонага олиб чиқди.


## «Ҳукумат соати»

### Ер ости сўвларидан самарали фойдаланишда қандай чоралар кўрилмақда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги «Ҳукумат соати» ўтказилди. Унда «Сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда тақририй экинлар экиш, аҳоли томирқаларига сув етказиб бериш учун ер ости сув захираларини аниқлаш ва артезиан қудуқлари қазिश бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала юзасидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Бобир Исломовнинг ахбороти эшитилди.

Видеоконференцадоқа шаклида ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда коронавирус пандемияси ҳамда глобал инқироз даврида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташвилий асослари ишлаб чиқилиб, тизимли ишлар олиб борилмақда. Ҳусулан, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 1 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Наманганнинг Олмос, Аҳча қишлоқлари атрофидаги 400 гектар майдонни суғориш учун 6 та қудуқ бурғиланди. Худди шундай қудуқлар Жизза вилоятида 12 та, Бухорода 11 та, Тошкентда 10 та, Қашқадарёда 3 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғонада 2 тадан бурғиланди.

Қайд этилишича, юртимизда гидрогеология йўналишидаги тадқиқотлар дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш «Ўзбекгидрогеология» ДУК ва унинг 4 та дала экспедицияси орқали амалга оширилади. Республиканинг барча ҳудудиди ер ости сувларини излаш ҳамда ҳажминини чамалаш бўйича геологик-қидирув ишлари олиб борилмақда. Жумладан, 2020 йилда 82 та лойиҳа бўйича геологик-қидирув ишларига 86 млрд. сўм йўналтирилди. Шунингдек, «Ўзбекгидрогеология» ДУК моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида сўнгги уч йилда 20 та бурғилан, 4 та компрессорлаш ускуналари, 3 та қаротаж ва 36 та автотранспорт техникаси харид қилиниб, геологик-қидирув ишларига жалб этилди.



## МИЛЛАТ САРДОРИНИНГ МУРОЖААТИ ЮРАКЛАРИМИЗДА АКС САДО БЕРДИ

Миллат тақдирини ҳал этилаётган бир вақтда, айнан халқ ичидан юксак масъулятни ўз зиммасига оладиган жамият етакчиси, сарбони пайдо бўлади. Айнан улар халқнинг бошини қовуштириб, оғир, мураккаб қарорларни қабул қилиш ва уларни қанчалик мушкул бўлмасин, ижросини таъминлаш вазифасини ўз зиммаларига олмақлари лозим. Бу эса миллат сардоридан қаҳрамонлик, чўқур идрок, сиёсий ирода, мардликни талаб этади.

### Нуктаи назар

Бугунги кунда бутун дунёда авж олган пандемия билан боғлиқ ҳодисаларни таҳлил қиларканман, доммо ўйлайманки, агар ўз вақтида давлат бошқарув тизими тўбдан тақомиллаштирилмаганида, ҳудудлар раҳбарларига янги ваколатлар берилмаганида, парламент, фуқаролик жамияти, оммавий аҳборот воситалари роли бу қадар кучайтирилмаганида, иқтисодий ислохотлар бошланмаганида, инсон ҳуқуқларини кафолатлашга янги ёндашув бўлмаганида ва батамом янги ташқи сиёсат олиб борилмаганида, бугунги кунда мамлакатимиздаги вазият ниҳоятда оғир бўлар эди.

Ислохотлар ҳосиласи ўлароқ, бугунги кунда шафқофлик ҳамда ҳисобдорлик ҳокимиятининг барча

даражасига хос бўлмақда. Унинг олган пандемия билан боғлиқ ҳодисаларни таҳлил қиларканман, доммо ўйлайманки, агар ўз вақтида давлат бошқарув тизими тўбдан тақомиллаштирилмаганида, ҳудудлар раҳбарларига янги ваколатлар берилмаганида, парламент, фуқаролик жамияти, оммавий аҳборот воситалари роли бу қадар кучайтирилмаганида, иқтисодий ислохотлар бошланмаганида, инсон ҳуқуқларини кафолатлашга янги ёндашув бўлмаганида ва батамом янги ташқи сиёсат олиб борилмаганида, бугунги кунда мамлакатимиздаги вазият ниҳоятда оғир бўлар эди.

Бу борада америкалик машҳур сиёсий арбоб Франклин Делано Рузвельт сўзларидан иқтибос келтирмоқчиман. АҚШ чўқур инқирозга тушган ва янги иқтисодий сиёсатни бошлаган бир пайтда у



шундай муҳим сўзларни айтган эди: «Биз фақат бир нарсадан қўрқимиз керак, у ҳам бўлса, кўрқимиздан».

Бу сўзларни биз бугунги ҳаётимизга ҳам татбиқ қилишимиз мумкин. Сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар айнан шу доворакликка хос бўлди.



## Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси олдидан

### Янги туманлар янги имкониятларга йўл очади

Шу йилнинг 11 сентябрида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси муҳокамасига Тошкент шаҳри таркибиди Янгиҳаёт ҳамда Наманган шаҳри таркибиди Давлатобод туманларини ташкил этиш тўғрисидаги ҳасилалар ҳам ўрин олган бўлиб, бу тараққиётнинг музолири босқичида муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда барча соҳа ҳамда тармоқларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тобора чўқурлашмоқда. Ушбу ўзгаришлар юртимизни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимояси ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлмақда.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳамда обо-

ли амалий кўрсатма ва вазифалар берилганди. Утган даврда мазкур туманларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳал этилди. Ҳўш, янги туманлар қандай салоҳиятга эга бўлади ва улар мамлакат ривожига қандай таъсир кўрсатади?

Масалан, Янгиҳаёт туманига Тошкент шаҳридан 2 минг 131,2 гектар ҳамда Тошкент вилоятидан 2 минг 288,4 гектар, жами 4 минг 419,6 гектар ер майдони ажратилди. Ушбу ҳудудда 115 та санаот корхонаси (шундан 13 таси йирик ва 102 таси кичик корхона), 277 та хизмат кўрсатиш корхонаси, 1 148,8 гектар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ер ҳамда 388,8 гектар аҳоли томирқа ерлари мавжуд.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

### Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалалар депутатлар муҳокамасида

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини кафолатлаш, одамларнинг ўз турмушидан рози бўлиб умргузаронлик қилишини таъминлаш қонунларнинг ҳаётга тўғридан-тўғри амал қилишига боғлиқ. Бу эса мавжуд ҳуқуқий асосни ҳар жиҳатдан мукамал тайёрлаш, қонунчиликни тақомиллаштиришда аҳоли талабларини мунтазам ўрганиш ва таҳлил этишни тақозо қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қўриб чиқилган қонун лойиҳаларига депутатлар ана шу нукта назардан дахлдорлик, масъулият ҳисси билан ёндашишди. Бу бежиз эмас. Чунки муҳокама этилган масалалар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.



### Қимматбаҳо металллар ва тошларга эгаллик ҳуқуқи назарда тутилмоқда

Депутатларнинг қизгин муҳокамаларига сабаб бўлган ҳужжатлардан бири иккинчи ўқишда мажлис кун тартибига киритилган «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.







# РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР

## МАМЛАКАТНИНГ ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро стандартларга мос келаётган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўлми ишлар олиб борилаётган. Худудларда янги олий ўқув юртинларининг ташкил этилаётгани, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, сиртки ҳамда кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши бунга яққол мисол бўла олади.

### Таълим

Шунга қарамай, бугун шиддат билан тараққий этаётган давр олий таълим тизимини дунё талабларига янада мослаштиришни, соҳага илғор педагогик технологияларни татбиқ қилишни, ўқитишнинг замонавий усулларини қўллашни талаб этмоқда.

Айни шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, Президентимизнинг олий таълим тизими ислохотига қаратилган қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу муҳим дастуриямал ҳужжатда республикадаги қамида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та ўрнидаги олий таълим муассасалари рўйхати киритиш белгилаб берилди. Шунингдек, 2030 йилгача юртимиздаги барча олий таълим муассасасининг 85 фоизини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди.

Шу ўринда "Бу бизга нима беради?" деган савол туғилиши мумкин. Бу яқин йиллар ичида олий таълим тизимимиз дунёда тан олина бошлайди, таълим сифати янада яхшиланади, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган малакали кадрлар сафи бундан-да кенгайди, пировардида мамлакатимиз тараққиётига замин яратилади, дегани.

Аёнки, мамлакат тараққиётини, асосан, кадрларнинг билим даражаси, уларнинг интеллектуал салоҳияти белгиланади. Бугун қайси ривожланган давлатни олмайллик, уларнинг барча соҳадаги ютуқларида таълим сифатини ошириш ва малакали кадрларни тарбиялашга қаратилган эътибор асосий омил бўлганига гувоҳимиз. Шунинг учун ҳам энг яхши сармоя — таълимга йўналтирилган сармоядир, деб бежиз айтилмаган. Сўнги 3-4 йил ичида мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилган эътиборнинг сабаби ҳам шунда.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини фаолият қўриётган ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчилар ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошлар

ри ўртача 25 фоиз оширилди. Олим ва педагогларнинг ижтимоий шaroитларини яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Хусусан, Тошкентдаги Талабалар шаҳарчаси ҳудудида 216 хонадонга мўлжалланган 6 та 9 қаватли уй бунёд этилгани сўзимиз исботи бўла олади.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик педагогларга катта куч бағишламоқда, ҳаётдан кўнгли тўқ бўлиб, илмий излашлар қилишга, ёшларга сифатли таълим беришга ундамоқда.

**“ Университетнинг кимё ва технология факультети мисолида оладиган бўлсак, таълимнинг мазкур йўналишида 65 профессор-ўқитувчи талабаларга дарс бермоқда. Мазкур факультетда 5 та кафедра, 11 таълим йўналиши, 3 та магистратура мутахассислиги, ноорганик кимё ва ноорганик моддалар ҳамда улар асосидаги материаллар технологияси ихтисосликлари бўйича таянч докторантура ва ноорганик кимё ихтисослиги бўйича докторантура мавжуд. Уларда 825 бакалавр, 40 магистрант, 9 таянч докторанти ва 3 докторант тахсил олмақда.**

Шу ўринда юртимизда олий ўқув юртини талабаларига ҳам турли имтиёз ва имкониятлар берилаётганини эътироф этмоқ лозим. Мисол учун, авваллари тушга ҳам кирмаган бир қулайлик шундан иборатки, тўлов-контракти бирдан тўлашга қўриб етмаган талабалар базавий стипендия миқдорининг йиллик суммасини олмаслик шarti билан уни қўллаш имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

Бугунги пандемия шароитида аҳолининг тўлов қобилияти пасайиши ҳисобга олиниб, шартнома асосида таълим олаётган талабаларга қатор энгилликлар берилгани алоҳида қайд этилиш жоиз. Жумладан, 2020/2021 йилда тўлов-контракт миқдори учун кўндүзги шаклда ўқийдиган талабаларга 10 фоиз чегирма берилди. Олий таълим муассасалари томонидан етим, чин етим, ногиронлиги бўлган ҳамда ижтимоий

ҳимояга муҳтож, "темир дафтар" рўйхатидаги оилалар фарзандлари бўлган талабаларга контракт тўловларини қўллаш учун манзилли моддий ёрдам кўрсатилади.

Яна бир янгилик шундан иборатки, талаба шартнома пулини тўлай олмаса, у талабалар сафидан чиқарилмайди, балки курсдан-курсга қолдириш масаласи кўриб чиқилади. Бундай имтиёзлар талабаларга энгиллик бериши табиий.

Бугунги кунда Термиз давлат университети ҳам олий таълим тизимида амалга оширилган ўзгаришларга ҳамроҳан тарзда, замон талабларига мослашишга, таълим беришнинг замонавий усулларини қўллашга интиломоқда. Сўнги уч йил ичида олий таълим муассасасининг факультетлари ҳамда талабалари сони ҳам сезиларли ортди. Аввал университетда 9 та факультет, 32 та кафедрада 7 минг 753 талабага 552 профессор-ўқитувчи ўқув машғулотларини олиб борган бўлса, бугун 15 та факультет ва 43 та кафедрада 606 профессор-ўқитувчи 13 минг 395 талабага мутахассислик сирларини ўргатоқда.

Энг муҳими, университетда маҳоратли кадрлар етарли, профессор-ўқитувчиларнинг 22 нафари фан доктори, 125 нафари фан номзоди ёки фалсафа доктори ҳисобланади. Ўқув юртида илмий унвон олгадиган жами 90 та бўлиб, улардан 9 нафари профессор, 81 нафари доцентдир.

Университетда ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш мақсадида олий ўқув юртидан кейинги таълим институти ташкил этилган бўлиб, 12 та ихтисослик бўйича 4 нафар докторант ва 70 дан ортиқ мустақил изланувчилар тайёрланади. Бундан ташқари, даргоҳда 200 дан зиёд эркин тадқиқотчилар илмий излаш олиб бормоқда.

Қувонарлиси, олий ўқув юрти талабалари нуфузли хорижий олимпиада ва танловларда мутахассислик йўналишида иштирок этиб келмоқда. Мисол учун, 2019 йилда 4 талаба хорижий олимпиада ҳамда нуфузли танловларда галиб бўлган бўлса, жорий йилда 18 талаба республика миқёсида ўтказилган олимпиада ва танловларда юқори натижаларни кўлга киритди.

Термиз давлат университети нуфузли хорижий олий таълим муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик ўрнатган. Хорижий университетларнинг профессор-ўқитувчилари талабаларимиз билан ўқув машғулотлари ўтказиши аънанга айланган. Шунингдек, "KOICA" ташкилоти, "Praktikum4people" компанияси билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлаб бораётган. Олий ўқув юртининг иқтисодий талабалари хорижий университетларда амалиёт ўташ учун юборилмоқда. Ўқитувчилар хориж университетларида малака оширишти, стажировка дастурида қатнашмоқда. Тўғри, пандемия муносабати билан хориж сафарлари вақтинчалик тўхтаб қолди. Шунга қарамай, университетда хорижий олий таълим муассасалари билан



онлайн семинарлар ўтказиб келинапти. Нуфузли хорижий олий ўқув юртини билан ҳамкорлик ўзаро тажриба алмашиш, ривожланган давлатлар таълим тизими билан яқиндан танишиш, уларнинг илғор ютуқларини ўзимизда татбиқ этиш учун замин яратмоқда.

Университетнинг кимё ва технология факультети мисолида оладиган бўлсак, таълимнинг мазкур йўналишида 65 профессор-ўқитувчи талабаларга дарс бермоқда. Мазкур факультетда 5 та кафедра, 11 таълим йўналиши, 3 та магистратура мутахассислиги, ноорганик кимё ва ноорганик моддалар ҳамда улар асосидаги материаллар технологияси ихтисосликлари бўйича таянч докторантура ва ноорганик кимё ихтисослиги бўйича докторантура мавжуд. Уларда 825 бакалавр, 40 магистрант, 9 таянч докторанти ва 3 докторант тахсил олмақда.

Факультетда 2017 — 2020 йилларга мўлжалланган "Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи д-металларни ажратишнинг назарий асослари" мавзусидаги фундаментал давлат гранти ҳамда 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган "Сурхондарё вилоятида ери ости шўр сувлари таркибидagi йод ва унинг бирикмаларини ажратиш" мавзусидаги гранти ҳамда илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда таълим соҳасининг барча тармоғи қатори кимё ҳамда биология йўналишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан имзоланган "Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бу борада дастуриямал бўлиши, шубҳасиз.

Бинобарин, мазкур қарорнинг қабул қилиниши соҳа вақиларига катта мамнуният бағишлади. У юртимизда кимё ҳамда

биология йўналишини ривожлантириш, шу соҳада тахсил олаётган ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишлари учун қулай шарт-шaroитларни яратиш, мутахассисларни рағбатлантиришга қаратилгани билан янада аҳамиятли.

Зеро, кимё ва биологиянинг иқтисодиётда, умуман, мамлакат ривожига аҳамияти беқийс. Соҳа ривожига ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшни қўшни рағбатлантиришга қаратилгани билан янада аҳамиятли.

Зеро, кимё ва биологиянинг иқтисодиётда, умуман, мамлакат ривожига аҳамияти беқийс. Соҳа ривожига ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшни қўшни рағбатлантиришга қаратилгани билан янада аҳамиятли.

Зеро, кимё ва биологиянинг иқтисодиётда, умуман, мамлакат ривожига аҳамияти беқийс. Соҳа ривожига ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшни қўшни рағбатлантиришга қаратилгани билан янада аҳамиятли.

Зеро, кимё ва биологиянинг иқтисодиётда, умуман, мамлакат ривожига аҳамияти беқийс. Соҳа ривожига ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшни қўшни рағбатлантиришга қаратилгани билан янада аҳамиятли.

Бизнинг факультетимиз жамоаси ҳам айни шу жараёндан четда қолмай, мазкур йўналишда малакали кадрларни етиштиришга, талабаларнинг назарий билимларини амалиётга татбиқ қилишда фаол иштирок этишга интиломоқда. Зеро, бугун мамлакатимизда олий таълим тизимига қаратилган эътибор ва рағбатга ўзининг меҳнатимиз ҳамда излашимиз, илмий янгиликларимиз билан жавоб қайтаришимиз лозим. Бунинг учун университетимизда барча шарт-шaroит ва имкониятлар яратилган. Энг асосийси, бундан умумли фойдаланасак бўлгани.

**Ҳайит Тўраев,**  
Термиз давлат университети кимё ва технология факультети доктери,  
кимё фанлари доктори, профессор,  
Шахло Раффоорова,  
Термиз давлат университети таянч докторанти.

### ЭЪЛОНЛАР

**«Sirdaryo IES» акциядорлик жамияти**  
энергетика ускуналарида халқаро даражада энергоаудит бўйича ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилишини маълум қилади.

Энергоаудит ўтказиш бўйича тендер ҳужжатлари [tenderweek.com](http://tenderweek.com) ва [sdtes.uz](http://sdtes.uz) сайтларига жойлаштирилган.

Танловга оид ҳужжатларни олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 120129, Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри, Энергетика кўчаси, 7-уй.

**Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги куни — 2020 йилнинг 10 октябри.**  
Мурожаат учун телефонлар: 67-764-59 43, 67-764-53 34. E-mail: [info@sdtes.uz](mailto:info@sdtes.uz)  
Маъсۇл ходим: Холназаров Фулом.

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
2021 йилга куйидаги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимга қабул эълон қилади:

- 08.00.01 — «Иқтисодиёт назарияси».
- 08.00.06 — «Эконометрика ва статистика».
- 08.00.07 — «Молия, пул муомаласи ва кредит».
- 08.00.08 — «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит».
- 08.00.13 — «Менежмент».
- 08.00.14 — «Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари».

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 сентябридан 15 октябригача қабул қилинади.

Талабгорлар тақдим этадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (қамида 1 мақола ва 2 та тезис нусхалари);
- илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг ёзма розилиги;
- иш жойидан тавсифнома;
- паспорт нусхаси;
- 6 та фотосурат (3x4 см. ҳажмда).

**Эслатма:** талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги веб-сайтида (<http://phd.mininnovation.uz>) рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳужжатларни электрон (PDF) тарзда тақдим этади (қоғоз вариантини барча босқичдан муваффақиятли ўтиб, докторантурага ёки таянч докторантурага қабул қилинганлар топширади).

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Амир Темура шохкўчаси, 60-«А» уй, Тошкент молия институти, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.  
**Телефон:** 71-235-41-83. E-mail: [bitp@tffi.uz](mailto:bitp@tffi.uz).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**МОДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**  
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

**Танлов предмети:**  
**моноблок туридаги компьютерларни етказиб бериш.**

Эълон бўйича таклифларни қабул қилиш муддати — эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 10 кунгача.

Танлов ўтказиш шартлари бўйича маълумот олиш учун куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, М. Ашрафий кўчаси, 103-уй.  
Телефонлар: 71-299-81-47, 71-299-89-61.  
E-mail: [mttb@iv.uz](mailto:mttb@iv.uz)

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСИ**  
**БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Хореография кафедраси профессори — 1 ўрин.
2. Хореография кафедраси доценти — 1 ўрин.
3. Хореография кафедраси катта ўқитувчиси — 1 ўрин.
4. Санъат назарияси ва тарихи кафедраси доценти — 1 ўрин.
5. Санъат назарияси ва тарихи кафедраси катта ўқитувчиси — 1 ўрин.

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:**

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимнинг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

**Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожи кўчаси, 103-уй.**  
**Телефонлар: 71-256-36-91, 71-256-24-36.**

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамоаси марказ директори Нигина Раҳимова отаси  
**Хайрулла АБДУЛЛАЕВ**нинг  
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА**  
**ЭЪЛОНЛАР**  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**71-232-10-63,**  
**71-232-11-15.**  
E-mail: [reklamaxs@mail.ru](mailto:reklamaxs@mail.ru)  
[reklama@xs.uz](mailto:reklama@xs.uz)

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Өсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиз ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукоров,  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 02.30 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5 6